



O'ZBEK AMALIY TILSHUNOSLIGI VA LINGVODIDAKTIKASI MASALALARI

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani
materiallari to'plami

20 21-yil
-oktabr

TOSHKENT

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA‘LIMI VAZIRLIGI

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA
ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**“O‘ZBEK AMALIY TILSHUNOSLIGI VA
LINGVODIDAKTIKASI MASALALARI”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari
(2021-yil 20-oktabr)**

Toshkent - 2021

СОСА МАНБАЛАРИДА МОРФОЛОГИК БИРЛИКЛАР ТАДҚИҚИ

Нозимжон АТАБОЕВ,
БухДУ Инглиз адабиёти ва
стилистика кафедраси мудирӣ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз корпусларининг иккинчи авлод вакили сифатида эътироф этиладиган СОСА (Замонавий Америкача инглиз тили корпуси) ва унинг морфологик бирликлар хусусида кенг маълумотлар манбаи эканлигига оид таҳлиллар келтирилади. Корпусдан олинган қидирув натижалари илмий ва назарий муҳокамаларга таянган ҳолда статистик ҳамда эмперик таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: корпус лингвистикаси, корпус, морфологик бирлик, миллий корпус, “СОСА”.

Бугунги кунда замонавий илм-фан тараққиёти жадал ривожланмоқда. Иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир соҳа вакилларининг компьютерлардан унумли фойдаланишларида буни яққол кўриш мумкин. Тилшунослик ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, корпус лингвистикаси пайдо бўлгандан сўнг, унинг асосий объекти бўлган лисоний корпусларни яратиш ҳамда улардан тилшуносликка оид изланишларни олиб боришда фойдаланиш айна пайтда компьютерлар воситасида амалга оширилмоқда. Бу эса, албатта, юқори натижаларга эришишда тезкорлик ва аниқликни таъминлайди.

Корпус лингвистикаси ва корпус тушунчаларига чуқурроқ тўхталадиган бўлсак, ҳар иккала термин тилшуносликка ХХ асрнинг иккинчи ярмида кириб келган. Н.Дашнинг фикрича, корпус лингвистикаси татбиқий тилшуносликнинг муҳим соҳаси бўлиб, лисоний тадқиқотларда катта аҳамият касб этади. У тил ўрганувчиси ва тадқиқотчиларга тилни қўллашга оид квантитатив (сонли) эмперик маълумотлар базасини тақдим этади. Бу база аниқ белгилаб олинган манба йиғишнинг статистик метод ва технологияларидан фойдаланиб тўпланган умумий тил корпусидан олинади [N.S. Dash, 2015 – 3-4]. Лисоний корпус – систематик принципларга асосланган ҳолда тил соҳибидан нутқий бирликларни йиғиш. Унда эмперик таҳлилларни ўтказишга қўмаклашувчи конкорданс қидирув тизимидан частотали натижаларни келтириб ўтиш муҳим вазифа сифатида қаралади. Ф.Мейер ўз ишларида тил корпусини қуйидагича изоҳлайди: “...корпус таҳлилларидан олинган натижалар ҳар қандай назарий муаммога ечим топишда асос бўла олади” [Meyer C.F., 2002 – 15]. Зеро, ҳар қандай назария амалиётга асосланмас экан, ўзининг қийматини кўрсатиб бера олмайди. Корпуснинг яна бир муҳим хусусияти – репрезентативлик тамойилининг аҳамиятини Т. McEnery ва А. Hardie, А. Hardie and R. Love, L. Kucheruk ва В.В.

Рыков [McEnergy T., 2012; Hardie A., 2013; Kucheruk L., 2015; Рыков В.В., 2002] кабилар алоҳида таъкидлашган. Ҳар қандай лисоний корпус ўз таркибидаги матний элементлар йиғилган тил ёки суб тилнинг лингвистик хусусиятларини очиб бера олиш имкониятига эга бўлган ҳажм ва туркумлардан шаклланган бўлиши шарт. Ушбу хусусият корпуснинг лингвистик тадқиқот амалиётларида қўлланилиши ва уни тилнинг «электрон ҳолати» сифатида қаралишига олиб келади. Бунга эришиш учун эса ҳар бир корпус тузувчи матнларни категориялар асосида йиғиши керак.

Электрон лисоний корпуслар тўлиқ мураккабликда морфологик сўз яшаш ёки шакл ўзгартириш жараёнини англашнинг жуда катта мақсадга эришиш учун ривожланишига ҳисса қўшадиган кўплаб усулларни таклиф этиб келмоқда. Корпуслар тадқиқотчиларга сўз яшаш регистрлари, оғзаки тил, ижтимоий ва географик макон ва ҳатто вақт бўйича қандай ўзгаришини ўрганишга имкон берадир [Ваауен R., 2009]. Т. Мак Энерй ва Э. Вилсон морфологик тадқиқотларда корпус маълумотларидан фойдаланишнинг ижобий ютуқларини тасдиқлайди, корпуслар «турли морфологик вариантларнинг частоталари ва турли морфемаларнинг маҳсулдорлигини ўрганишда муҳим рол ўйнайди» [McEnergy T., 2001 – P.109], деб таъкидлайдилар. Бир сўз билан айтганда, корпусдан олинган натижалар орқали сўз ясовчи ва шакл ўзгартирувчи қўшимчаларни таҳлил қилиш имкони мавжуд.

Бугунги кунда морфология соҳасининг мутахассислари қизиқиш билдираётган муаммолардан бири – морфемаларнинг ўзакка қўшилиш тартибидир. Бирдан ортиқ қўшимчалар бир сўз таркибида келганда, уларнинг қайси бири олдин, қайсиси кейин жойлашиши нафақат тилшунослар, балки тил ўрганувчилар учун ҳам қизиқ. Масалан, инглиз тилида сифат ясовчи *-ous* ва мавҳум от ясовчи *-ness* қўшимчалари мавжуд. Улар бир сўз таркибида келиши мумкинми, агар бирга кела олса, қандай тартибда жойлашади, деган саволларга жавобни СОСАда ўтказилган қидирув натижалари асосида бериш мумкин. Қидирув натижалари шуни кўрсатдики, **ness+ous* тартибидаги морфемалар бирикиши корпусда мавжуд эмас, бу орқали тилда ҳам йўқ, деган хулосани бериш мумкин. **ous+ness* тартибига мос келувчи натижалар 112 ҳолатда кузатилди, бу 10 дан ортиқ сўз-турларнинг умумий қўлланилган сонидир. Масалан, *consciousness, seriousness, nervousness, righteousness, graciousness, dangerousness* ва бошқалар.

Кейинги ўринда маълум бир морфемани ўрганаётган тадқиқотчи унинг қўлланилиши бўйича кенгроқ маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилади. СОСАнинг энг оддий қидирув натижаларининг ўзи ҳам бунга етарли бўла олади. Масалан, тадқиқот объекти инглиз тилидаги **ism* қўшимчаси бўлса, унинг қўлланилиши учун мисоллар сони 512 тани ташкил этди ва бу 20дан ортиқ сўз-турнинг тақрорий қўлланиши натижасида ҳосил бўлган сондир. Мисол учун, *communism, criticism, nationalism, mechanism, realism, anti-*

Semitism ва бошқалар. Юқоридаги миқдордаги мисоллар тадқиқотнинг самарали якуини таъминлайди.

Инглиз тилини ўрганувчилар учун яна бир муаммо – феъл шакллариининг тўғри ва нотўғри формада замонга мослашувидир. Ушбу мураккабликни янада оширадиган жойи шундаки, баъзи феъллар ўтган сифатдош шаклига ҳар иккала услубда ўта олади. Масалан, инглиз тилида исботламоқ, далил келтирмоқ маъноларида келувчи *prove* феълининг ўтган сифатдош (*past participle/perfect form*) шакли *proved* ёки *proven* ҳолатида ифодаланиши мумкин. Бу икки шакл ва уларнинг қўлланилиши бўйича *СОСА*да қидирув берилганда айнан тугалланган замон формасида келган мисоллар билан қизиқилганда, *have proven* бирикмаси 2616тани ташкил қилган бўлса, 3001талик частотани *have proved* грамматик замон формаси кўрсатди. Худди шу тартибдаги қидирув *BNC* корпусида ҳам ўтказилди. Натижалар *have proven* учун 82 та ва *have proved* учун 1169 тани ташкил этди. Бу фарқ ўз-ўзидан америкача инглиз тили ва британияча инглиз тили ўртасидаги сўз, асосан феъл шакллариини ясашда морфологик фарқлиликнинг мавжуд эканини яққол кўрсатди.

Морфология билан боғлиқ яна бир муаммо сифатларнинг даражаланишида кўринади. Бунда асосан мураккаблик инглиз тилидаги икки бўғинли сифатларнинг қиёсий ва орттирма даражаларини ясашда кўзга ташланади. Масалан, *самимий* деган маънони берувчи *sincere* сифати икки бўғинли бўлиб, у ҳам шакл ясовчи қўшимча, ҳам сўз қўллаш орқали орттирма даражага ўтказилади, яъни *sincerest* ва *most sincere* каби. *СОСА*да ушбу шакллар қидирувга берилганда, *sincerest* 85 ўринда, *most sincere* 65 ўринда қўлланилганга гувоҳ бўлинди. Айнан шу сўз формалари 15 миллиардан ошиқроқ сўзларни ўз ичига олган *English Web 2015 (энTenTen15)* корпусида ҳам қидирилганда *sincerest* ва *most sincere* шакллари мос равишда 5769 ва 3355 частоталарни кўрсатишди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам, инглиз тилида *sincerest*, яъни морфема қўшилиши орқали ҳосил қилинадиган шаклнинг устунлиги аниқланди.

Замонавий КЛнинг энг катта ютуқларидан бири сифатида қаралаётган ўз ичига 560 миллиондан ортиқ сўзли матнларни жамлаган *СОСА* лисоний корпусининг тадқиқот объекти сифатида танланиши аҳамиятлидир. Корпуснинг таркибий тузилиши кўриб чиқилди ва унинг оғзаки (*spoken*), бадий (*fiction*), машҳур журналлар (*popular magazines*), газета (*newspapers*) ва илмий журналлар (*academic journals*) каби бешта жанрга бўлинган матнлардан шакллантириб борилиши аниқланди. Йиллик ҳисобда ўртача 20 миллион сўз миқдорли матнлар қўшиб борилади ва ҳозир унинг умумий ҳажми 570 353 748 та сўздир.

*СОСА*нинг функционал хусусиятларини очиб бериш мақсадида семантик, синтактик, фразеологик ва морфологик тадқиқотлардаги аҳамияти ўрганилди. Унга кўра, сўзларнинг семантикмаъно муносабатларига

киришишини аниқлаш жиҳатидан *cause* ва *result in* феъллари ўзаро солиштирилди. Синтактик тадқиқотлардаги аҳамияти феълнинг бирикуви *love* феълдан кейин келиши мумкин бўлган феъл формаларини ўрганиш ва бошқа мисолларда очиб берилди. Фразеологик бирликларни ўрганиш ва улар ҳақида хулосаларга келиш мақсадида *COCA*да *way* билан келадиган иборалар таҳлил қилинди. Морфологик бирликларнинг инглиз тилида қўлланилиши юзасидан олиб борилган амалий тадқиқотлар ҳам *COCA*нинг ижобий функционал аҳамиятларни очиб беришга қаратилди. Бунда, бирикиб келадиган кўшимчалар, феълнинг формалари, морфема татбиқига мисоллар ва икки бўғинли сифатларнинг орттирма даражасини яшашдаги фарқлилик ўрганилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Hardie A. and Love R. *Corpus Linguistics*. 2013 – 376p.
2. Kucheruk L. *Modern English Legal Terminology Linguistic And Cognitive Aspects*. – University of Oles Honchar. 2015 – 384 p.
3. McEnery T. and Hardie A. *Corpus Linguistics Method, Theory and Practice*. – Lancaster University: 2012. – 294 p.
4. Meyer C.F. *English Corpus Linguistics*. – Cambridge: Cambridge University Press, 2002. – URL://
<https://pdfs.semanticscholar.org/c775/4bfab1d0f770e26c0fc7c603e8cf38793be8>.
5. Niladri Sekhar Dash *Corpus Linguistics: An Introduction*. *Encyclopedia of Life Support Systems* (ЭОЛСС), India: 2015. – 11 p.
6. Рыков В.В. Корпус текстов как реализация объектно–ориентированной парадигмы//Материалы международной конференции “Диалог 2002”. URL: <http://www.dialog-21.ru/materials/archi>.

YOZUV VA UNING TARIXIY-IJTIMOY TURLARI HAQIDA

Mo‘minjon TURDIBEKOV,
Lingvodidaktika kafedrası dotsenti,
filologiya fanlari nomzodi

Annotatsiya: Har bir xalqning tarixi bo‘lganidek, uning yozuvining ham o‘z tarixi bor. Quyidagi maqolada yozuvning paydo bo‘lishi, dastlabki ko‘rinishi va harfiy belgilarning takomillashishi haqida so‘z yuritiladi. Jumladan, o‘zbek xalqining o‘tmish avlodlaridan to hozirgi kungacha foydalangan yozuvlari haqida ma‘lumot beriladi.

Kalit so‘zlar: yozuv, piktografik yozuv, oromiy yozuvi, so‘g‘d yozuvi, pahlaviy yozuv, xorazmiy yozuvi, turkiy runik yozuv, O‘rxun-Enasoy yozuvi, uyg‘ur yozuvi, arabcha yozuv, lotin yozuvi, kirill yozuvi.

Yozuv va uning paydo bo‘lishi tilning ijtimoiy rivojlanishini belgilovchi eng muhim va asosiy omillardan biridir. Adabiy til va uning yozma shakli yozuvning

yoki maktab gazetasi uchun o'quvchilarning o'zlari maqola, xabar yoki yangiliklarni ingliz tilida o'zlari yozishlari haqida topshiriq berish mumkin. Bundan tashqari, ingliz tilidagi bir qancha bosma nashrlarni o'qib, tushungan mazmuni bo'yicha kichik insho (essay) yozishni yopshirish ham yozuv ko'nikmasini rivojlantirishda samarali bo'ladi. Internet nashrlari, ijtimoiy tarmoqlar haqida ham xuddi shunday fikr yuritsak to'g'ri bo'ladi. O'quvchilar bajonidil You Tube tarmog'ida o'z videolarini, boshqa ijtimoiy tarmoq va messenjerlarga ma'lumotlar joylashlari va bir-birlarining virtual sahifalariga shaxsiy munosabatlarini yozishlari mumkin. Bu esa albatta ularning yozuv ko'nikmasini yanada rivojlantirishga xizmat qiladi. Birgina talab, yo'naltiruvchi o'qituvchi til o'rganuvchilarga har bir fikrni badiiylashtirilgan me'yorlar asosida (formal words) yozishlarini ta'kilashi lozim.

To'rtinchisi – gapirish mahorati (speaking skill). Bunda medianing barcha turlaridan bema'lol foydalanish mumkin. Misol uchun, filmlarni shunchaki tomosha qilish emas, balki, aktyor va aktrisalardek o'zlarini tutishlari, shuningdek, ular kabi rol ijro etib ularning gaplarini ularning aksentini o'zlashtirgan holda qaytarishlari kerak bo'ladi. Shu jumladan, o'quvchilar o'zlari axborot dasturi yoki ko'rsatuv tayyorlashi, o'zlari gapirib hamda syomka qilib, uni ijtimoiy tarmoqlarga ham joylashlari mumkin.

Xulosa qilib aytganda, ommabop ommaviy axborot vositalari (filmlar, musiqa, YouTube) til o'rganuvchi har bir shaxs uchun tanish vosita bo'lib, ular e'tiborni jalb qilishga va muhokama qilinayotgan nazariyalar va tushunchalarga o'quvchilarning qiziqishini saqlab qolishga yordam beradi. Chunki ular nazariya va tushunchalarni amalda ko'rishlari mumkin. Majoziy ma'noda nazariya va tushunchalar ekrandan sakrab chiqadi. O'quvchilar o'zlari o'rganayotgan nazariyalar va konsepsiyalar yordamida ommaviy axborot vositalarini tahlil qilib, analitik ko'nikmalarini oshirishi mumkin. Darsda ommaviy axborot vositalaridan foydalanish o'quvchilarga televizor ko'rayotganda, musiqa tinglashda yoki do'stlari bilan kinoda bo'lganida tushunchalar va yangi misollarni ko'rish imkonini beradi. Shu boisdan ham, ingliz tilining chet tili sifatida o'qitilishida ommaviy axborot vositalari materiallaridan foydalanish eng samarali usullardan biri hisoblanadi. Bundan tashqari, bu usulda o'quvchi-yoshlar va talabalarning til o'rganishga qiziqishi ham ortadi, shu bilan birga til o'rganish jarayoni ham tezlashib, an'anaviy ta'limdan ko'ra tezroq va puxtarroq natijaga erisha oladilar.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bransford, John, Brown, Ann, and Cocking, Rodney. (1999) *How People Learn – Brain, Mind, Experience, and School*. National Academy Press, Washington, DC.
2. Salomon, G. (1979) *Interaction of media, cognition, and learning: An exploration of how symbolic forms cultivate mental skills and affect knowledge acquisition*. San Francisco: Jossey-Bass.
3. Bluestone, Cheryl. (2000) Feature Films as a Teaching Tool. *College Teaching*, 48(4):141-146
4. Champoux, Joseph E. (1999) Film as a Teaching Resource. *Journal of Management Inquiry*, 8(2): 206–217.
5. Goldenberg, Marni, & O'Bannon, Teresa. (2008) Teaching with Movies: recreation, sports, tourism, and physical education. *Human Kinetics*.